

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КАНАЛЛАР ВА ДРЕНАЖЛАРНИ ҚАЗУВЧИ ВА ТОЗАЛОВЧИ МЕЛИОРАЦИЯ МАШИНАЛАРИ

Шыныбеков Қаржаўбай Палбекович

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти  
магистранти

[gulnara\\_kallibekova@mail.ru](mailto:gulnara_kallibekova@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалиги каналлар ва дренажларни қазувчи ва тозаловчи мелиорация машиналари ҳақида сўз этилади. Қишлоқ хўжалигида очиқ тармоқ қурилишини механизациялаштиришнинг асосий йўналиши ва меҳнат унумдорлигини ошириш лозим бўлади.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, трактор, машиналар, каналлар ва дренажлар, комбинация.

## MELIORACITA MACHINES FOR DIGGING AND CLEANING CHANNELS AND DRAINS IN AGRICULTURE

**Abstract.** The article will talk about melioraciya machines, which digs and cleans channels and drains in agriculture. The main goal of mechanization of mechanization of the construction of an open network in agriculture is to increase labor productivity.

**Key words:** agriculture, tractor, machinery, canals and drains, combinary.

Республикамиз аграр соҳасини ривожлантириш машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш, бозор ислохотлари туфайли техникавий, табиий, ташкилий ва иқтисодий омилларни бир-бири билан узвий боғлаган ҳоллардагина самарага эришиш мумкин. Фермер хўжаликларини замонавий техника ресурслари билан таъминлаш, ташкилий ишларни такомаллаштириш,

доимий равишда иш унумдорлигини ошириш, қўл кучи билан бажариладиган ишларни камайтириш ва уларни машиналар зиммасига юклаш, етказилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш, меҳнат сарфини ва машиналарга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ишларида заҳира қисмларни сарфлашни камайтиришни тақоза этади. Шунингдек, деҳқончиликда ва мелоратив ишларни механизациялашда машиналардан юқори унум билан фойдалиншда уларнинг техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичларини такомиллаштириш ката аҳамиятга эга. Чунки, барча техника турлари ҳам бошқа ишлаб чиқариш воситалари сингари ейилади, эскиради ва оқибатда ишдан чиқиб яроқсиз ҳолатга келади.

Очиқ тармоқ қурилишини механизациялаштиришнинг асосий йўналиши ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий резерви узлуксиз ишлайдиган универсал мелиорация машиналаридан кенгроқ фойдаланишдир.

Захи қочириладиган ва суғориладиган замоналардаги қурилиш объектларида юқори унумли машиналардан фойдаланилса, мелиорация қилинаётган майдонларни фойдаланишга топшириш муддатлари қисқаради, бажарилган ишлар сифати яхшиланади, ишларни механизациялаштириш дарадаси ортади.

Сув олиб кетиладиган ва олиб келинадиган очиқ каналлар қазигишга мўлжалланган узлуксиз ишловчи машиналар канал қазигичлар деб аталади. Узлуксиз ишлайдиган канал қазигичлар зах қочириш ва суғориш системаларининг каналларини қуриш ва ремонт қилиш учун мўлжалланган.

Канал қазигичлар иш органлари пассив, актив ва комбинацияланган машиналарга бўлинади [1. 92-93].

МК-16 канал қазигичи гусеницали Т-130.1.Г-3 тракторига ўрнаткич қуролнинг транспорт ҳолатига горизонтал текисликда бурилиб кетишдан блокировкаладиган бўлсин, яъни ўрнатиш қурилмасининг занжирли тортқичлари ўрнатиш қурилмасининг пастки етакчи тортқичларининг учлари билан тракторнинг кетинги деворига маҳкамланган қулоқчалар орасига ўрнатилиши керак. Плуг-роторли канал қазигичлар нишаби бир томонлама

шакллантирадиган суғориш каналлари куриш учун мўлжалланган. Канал қазгичлар коминацияланган иш органи – қия роторли ва ағдаргичли қилиб тайёрланади. Қия ротор грунтин кавлаб, уни каналдан ташқарига чиқариб ташлайди. Ағдарич эса канал профилини шакллантиради ва кесилган грунтни айланаётган роторга тўкиб туради. Плуг-роторли канал қазгичларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, кавлаш жараёнида унинг энергия сиғими нисбатан кам бўлади, чунки траншеялар кесимининг бир қисмигина актив иш органи билан қазилади, грунтининг асосий қисми эса пассив иш органи билан кавланади. Узлуксиз ишлайдиган плуг-роторли канал қазгичлар жумласига МК-17 ва МК-23 канал қазгичлари киради. Плуг-роторли МК-17 ва МК-23 канал қазгичлари киради. Плуг-роторли МК-17 канал қазгичи нишаби бир томонлама шакллантириладиган суғориш каналлари куришда ишлатилади. У I- III категориялардаги грунтларда чуқурлиги 0,5 м, тубининг эни 0,35 м ва нишабларининг нисбати 1:1 бўлган каналлар қазилганга мўлжалланган. Ўрнатма канал қазгич секинлаткичи бўлган гусеничали ДТ-75Б тракторига монтаж қилинади [1. 96].

Дизеллар бензилли двигателларга нисбатан бир катор афзалликларга ега бўлганлиги, яъни тежамлироқ, ёнилғи сифатида нефтнинг анча кенг ва оғирроқ фракцияларини ишлатиш мумкинлиги, ёнғин чиқиш хавфи камлиги, двигателни юрғатиш осонлиги, ишончли ва узокроқ ишлай олиши туфайли кенг тарқалган. Дизел ёнилғиси – қайнаш ҳарорати 200-350°C бўлган углеводороддан ташкил топган нефт фракциясидан иборат. Двигателнинг ишончинли ишлаши уш у билан бирга, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларининг миқдори бевосита ёнилғи сифатига боғлиқ [2. 55].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда фермер хўжаликларини замонавий техника ресурслари билан таъминлаш зарур. Доимо ташкилий ишларни такомаллаштириш, иш унумдорлигини ошириш, қўл кучи билан бажариладиган ишларни камайтириш зарурлиги ортмоқда. Бундай ишларни машиналар зиммасига юклаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Болшров Т.С., Мансуров Р.А., Сергеев В.А. Мелиорация машиналари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1989. – Б. 96.
2. Маткаримов К.Ж., Маҳмудов В.Ж., Норқулов А.А.. Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар. – Тошкент, Талқин, 2009. – Б.55.

